

**ПРЕДЛОГЛИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тошкент шаҳар Ориентал университети
Ғарб тиллари кафедраси ўқитувчиси
Бобоева Мадина Хайдаровна

Аннотатсия: *Жаҳон тилшунослигида сўз бирикмаси ҳодисасига оид муаммолар узоқ пайтдан буён муҳокама қилиниб келинмоқда. Бугунги кун дунё тилшунослигида тил эгаларининг онгида оламни концептуаллаштириши ва лисоний воқелантиришининг ўзига хос когнитив механизмлари тадқиқоти доирасида маълум тематик майдонга тегишли лексик бирликларни структур-семантик, коммуникатив-прагматик, қиёсий-типологик ва лингвомаданий кўринишларда таҳлил этиши каби устувор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.*

Калит сўзлар: *когнитив, коммуникатив, прагматик, рефлексия, когнитология, психоллингвистик, нейрпсихологик.*

Инсон ҳаётининг кўпгина энг муҳим соҳалари лисоний жиҳатдан маконга оид атамалар орқали ифодаланади. Бинобарин, тилнинг лексик майдони маъносида макон градация элементини ўз ичига олган сўзлар қаторлари билан ифодаланган алоҳида лексик гуруҳларни белгилаш мумкин. Тилнинг антропоцентриклиги муаммосининг манбаларига мурожаат қилинса, ҳозирги замон антропоцентрик ғояларининг илдизлари олам ҳақидаги архаик қарашларга бориб тақалади, оламнинг лисоний манзарасини тасвирлашнинг ҳинд-европа моделида инсон шахсига ишоралар мавжудлиги аниқланди – борлиқ инсон танаси ва ғайритабиий кучлар билан уйғунликда ифодаланган. Қиёсланг: лотин тилидаги corpus (тана) сўзи қадимги ҳинд тилида Kṛp (дарахт), яъни “борлиқ дарахти” маъносини англатган (дарахт тасвири билан, одатда, шажара белгиси ифодаланади); инглиз тилида body (тана) сўзи уэльсча bed, қадимги британча шакли byd (олам, борлиқ), яъни “борлиқ” маъносида қўлланилган. Шундай қилиб, инсон доимо ўзини борлиқ оламнинг марказига қўйган.

Оламнинг инсоний манзарасини когнитив маълумот сифатида аниқлаш мумкин, яъни Ф. МакАртур инсонни ўраб турган жисмоний объектив дунёнинг ахборот тузилмалари ва инсон тафаккурининг ахборот шаклланишининг ўзаро боғлиқлигини "рефлексия жараёнининг идеал маҳсулоти" сифатида тасвирлайди [McArthur. 2021: 1]. Шу нуқтаи назардан категориялаштириш тушунчасига мурожаат қилиш қизиқиш уйғотади.

С.Г.Тер-Минасованинг қайд этишича, когнитология тилшунослик билан бирлашиб, бутунлай янги тадқиқот йўналиши – когнитив тилшунослик фанига асос солди. Бундай бирлашув идрок қилиш, тилни эгаллаш ва уни қайта ишлаш, режалаштириш, муаммони ечиш, фикрлаш, ўргатиш, эгаллаш, тақдим қилиш ва

билимларни амалда қўллаш каби масалаларни когнитология фанининг асосий текширув объекти қилиб белгилади [Тер-Минасова: 2].

Ш.С.Сафаровнинг фикрича, когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаси инсон онгида кечадиган ментал жараёнларни лисоний фаолият билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир, унинг таҳлил объекти эса билим олиш, уни амалда қўллаш ҳамда узатиш манбаи ва, ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими ҳисобланади [Сафаров: 3].

Е.Ю.Балашова ҳозирги замон когнитив тилшунослигида шаклланган илмий йўналишларни таҳлил қилар экан улардаги икки асосий-лингвокогнитив ва лингвомаданий ёндашувларни фарқлайди. Когнитив тилшунослик негизида ривожланган лингвомаданиятшунослик тил ва маданиятнинг мураккаб ва кўп аспекти ўзаро муносабатларини тадқиқ қилади. У маданият ва тилнинг ўзаро боғлиқликда ва бир-бирига таъсири жараёнида фаоллашадиган имкониятларни, бу жараёнда қулланилган лисоний ва нолисоний (маданий) бирликлар мазмунини яхлит структуралар сифатида системага солинган методлар орқали ва маданий қонун-қоидаларга таянган ҳолда ўрганади. Лингвомаданиятшунослик фаолият жараёнини акс эттиради, реал борликка ва турли хил маданиятларга фаол муносабат билдиради, чунки турли тиллар ўзига хос миллий бўёқдорликка эга. Е.Ю.Балашова, юқорида келтирилган когнитив тилшуносликда шаклланган икки ёндашувдан ташқари, маданий концептларни психологик, психолингвистик, нейрпсихологик, семантик, мантикий тушуниш, мантикий таҳлил қилиш ва анъанавий тилшунослик доирасида, «тушунча» ва «концепт» атамаларини бир маънода қўллаб, тадқиқотлар олиб борилаётганлигини кўрсатиб ўтади.

Р. Жекендофф, Н.Н. Болдирев ва бошқа олимлар феноменологик (тўғридан-тўғри ҳиссий идрок этиш асосида юзага келадиган) ва структуравий (инсоннинг олдинги ўз тажрибаси билан боғлиқ) тушунчалар асосида категориялаштиришнинг моҳиятини белгилайдилар. Категориялаштириш "иккита ахборот тузилмасини таққослаш ва қарама-қарши қўйиш" натижасидир [Jackendoff. 1998:4]; ахборотни узатиш жараёни "муайян ҳодисаларни илгари юз берган, шунга ўхшаш ҳодисаларнинг маълум бир гуруҳи билан, яъни маълум бир категорияси билан аниқлаш". Э.Рош категориялаштириш ҳодисасини таърифлашда маданиятнинг ролига алоҳида урғу беради: "категориялаштиришнинг шаклланиши ҳақида гапирганда, биз уларнинг маданият соҳасида шаклланишини тушунамиз". Н.Н. Болдирев ва Э.Рош категориялаштиришнинг икки турини ажратиб кўрсатадилар - перцептив (табiiй), табiiй объектлар категориялари ва концептуал (семантик), тушунчалар ва тил бирликлари категорияри. Агар маконга нисбатан перцептив (табiiй) категориялар ва концептуал (семантик) категориялар ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда В.К. Потемкин ва А.Л. Симановларга эргашган ҳолда маконнинг реал, перцептуал (тафаккур) ва концептуал (маъно) турларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади.

Перцептуал макон реал маконнинг бевосита ментал акси бўлиб, реал макон билан топологик ўхшашлигига кўра ажралиб туради - "тафаккур" маконидаги "нуқталар" тартиби реал макондаги "нуқталар" тартибига мос келади. Бу ерда мавҳум бўлган ва рамзлар шаклида ифодаланадиган концептуал макондан фарқли ўларок, фақат бевосита идрок этиш амали бажарилади. "Географик маконни тасвирлаш" ва макондаги ҳаракатларнинг тузилишини тушунтириб бериш учун когнитив хариталарга мурожаат этилади [Блинникова. 2012: 5].

Объектив маконни тасвирлашнинг турли жиҳатлари "когнитив хариталар"нинг икки турда мавжуд бўлишини таъминлайди - "шарҳлаш хариталари" (объектларнинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади) ва "йўл хариталари" (ҳаракат жойини ўзгартириш ёки алмаштириш ва шу жараёнда ҳаракатлар ҳолати ва кетма-кетлигини назарда тутди). Воқеликдаги конкрет вазиятларни тасвирлаш, яъни концептуаллаштириш жараёнида ушбу вазият умумий ғоясининг когнитив таркибий қисмлари - концептлар аниқланади ва ҳар бир концептнинг ушбу ғояни шакллантиришдаги аҳамияти даражаси аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, "концептуаллаштириш" жараёни – бу "оламни идрок этиш усули" "концепт" эса, "образ, тафаккур каби оламни идрок этиш воситалари". Шу билан бирга, лингвистик (лексик) тушунча ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ, чунки ҳар бир сўзда фонетик товушлар, "тафаккур парадигмалари" (индивиднинг идрок этиш жараёнида маълум бир объект ёки ҳодисанинг сифати ҳақидаги хулосалари) ва функционал маълумотни ўз ичига олган "қолип"дан иборат маълум лексик тушунча (lexical concept) мавжуд.

Бинобарин, лисоний концептнинг моҳияти нолисоний мавжудлик – тасаввурлар, тасвирлар, ақлий моделлар, яъни ментал концептларга мурожаат қилиш орқали очиб берилди. Тушунча ва концепт ўртасидаги фарқ назарий ва кундалик билимлар - англаш ва билиш ўртасидаги фарқ билан шарҳланади.

Тушунча - объект ёки ҳодисанинг энг умумий, муҳим белгиларини, унинг объектив, мантиқий жиҳатдан ҳосил бўладиган хусусиятларини ўз ичига олган тушунчадир. Тушунча иккинчи даражали хусусиятлардан аста-секин мавҳумлик натижасида тасвир ёки қолип асосида пайдо бўлади. Тушунчадан фарқли ўларок, концепт "одатий билиш" га тегишли. Шундай қилиб, когнитив тилшуносликнинг объекти тилдан фойдаланишда инсон миясида содир бўладиган жараёнлар, предмети эса, ўз навбатида, ахборотни ўзлаштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишдир.

А.Вежбицкая, Р.Жэкендофф, Ж.Лакофф, Р.Лангаккер, Э.Рош, Л.Талми, Ч.Филлмор, У.Чейф каби олимлар когнитив тилшуносликнинг асосчилари ҳисобланади. Рус олимлари орасида когнитив тилшунослик масалалари билан Н.Д. Арутюнова, Н.Н. Болдырев, В.З. Демьянков, Анна А. Зализняк, А.В. Кравченко, Е.В. Рахилина, А.А. Кибрик, Е.С. Кубрякова, З.Д. Попова, И.А. Стернин ва бошқалар фаол шуғулланишган. Ўзбекистон тилшунослигида ушбу муаммо юзасидан А.А. Абдуазизов, Ш.С. Сафаров, Д.У. Ашурова, М.И. Расулова, Н.М. Жусупов, Д. Худойберганова, М.Р. Галиева каби олимлар томонидан қимматли ва асосли фикрлар

билдирилган. Тилшунослар ўз тадқиқотларида турли (маданий, семантик, семиотик ва бошқа) ғояларни биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қиладилар, аммо бу изланишларнинг барчасини умумий - тилшунослик билимлари билан боғлиқ барча нарсаларни тушунтириш ғояси бирлаштиради. Дастлаб, когнитив тадқиқотларнинг аксарияти когнитив семантика ва когнитив грамматика йўналишлари доирасида амалга оширилди. Бундан ташқари, Л.Талми ўрганишнинг асосий усулларини, жумладан, интроспекция усули, корпус таҳлили, экспериментал усул ва яна бошқа баъзи усулларни тавсифлаб ва асослаб берди.

Демак, когнитологиянинг асосий тушунчаларидан бири – категориялаштириш бўлиб, у инсоннинг турли мантиқий амаллар асосида юзага келадиган билиш жараёнидир. Мантиқий амаллар эса қиёслаш, қарама-қарши қўйиш, аниқлаштириш, мавҳумлаштириш каби кўринишларни олиши мумкин. Бизнингча, бу ҳодиса сўз бирикмаларининг ҳосил бўлиш жараёнига ҳам оиддир. Аниқланишича, сўз бирикмаларини шакллантиришнинг когнитив механизми мавҳум мураккаб тафаккур предметлари ёки ондаги тузилмаларни бевосита кузатиладиган оддий ҳодисалар билан қиёслаш имконини берадиган мантиқий андоза, моделдир. Бошқача айтганда, у янги тажрибани олдиндан амалда мавжуд бўлгани билан қиёслаш жараёни Масалан, айрим лексемалар мавҳумлаштириш жараёнида умумлашган маъно касб этадилар. Маълум мулоқот шароитида бирор бирлик томонидан ифодаланаётган сифат ёки хусусият сўзловчининг тафаккурида бошқа бирор категорияга дахлдор бўлган алоҳида хусусиятга қарама-қарши қўйилади. Ушбу категориянинг бошқа хусусиятлари эса инобатга олинмайди ёки бутунлай йўқолади.

Категориялаштирув жараёнида баъзан хусусиятларни ўзаро қарама-қарши қўйиш турли тарзда кечиши кузатилади. Бу эса ҳар хил кўринишдаги умумлашган тасаввурларнинг туғилишига олиб келади. Оддий нутқ жараёнида соматик объектлардан ҳам баъзиларини категориялаштириш жараёнида бир қатор хусусиятларининг инобатга олиниш ҳолатлари кузатилади. Масалан, қиёсланг:

- The line was growing rapidly. Already there were fifty or more, and those at the head, by their demeanour, evidently congratulated themselves upon not having so long to wait as those at the foot (Th. Dreiser. 2014: 385).

- "I think I'll go down and stand at the foot of the stairs," she said, after a time (Th. Dreiser. 2014: 27).

- Биз азалдан кўчанинг бошидаги ёнма-ён тушган икки уйда турардик (Ч. Айтматов. 2005: 1).

- Икром индамай туриб ўчоқ бошига кетди (С. Аҳмад. 1976: 10).

- Учқўрғон участкасида ишлайдиган бригадага Лоғон канали қурилишида ном чиқарган машхур полвон Дўнан Дўсматов, Луғумбек шаршара қурилишида ишлайдиган бригадага булоқбошилнк Жўра полвон Ғойипов бошчилик қиладн (С. Аҳмад. 1976: 57).

- Сентябрь оёқлаб Езёвонга салқин тушди. Офтобнинг тиғи ҳам қайтган. (С. Аҳмад. 1976: 673).

- У аста келиб Холматжон ётган каравотнинг оёқ томонига ўтирди. (С. Аҳмад. 1976: 637).

Келтирилган ушбу мисоллардаги “бош” – “head”, “оёқ” – “foot” соматик объектларининг категориялаштириш жараёнида бошнинг танадаги бошқа қисмларга нисбатан юқорида жойлашуви асосида “юқори” умумлашган маъноси вужудга келиши, foot - оёқ сўзининг “қуйи, паст, охири” маъносини касб этишида эса оёқнинг гавданнинг қуйи қисмида жойлашганлиги инобатга олинганлиги категориялаштириш асосини яратади.

Шундай категориялаштириш жараёнида таркибида “бош” – “head”, “оёқ” – “foot” соматик объектлари иштирок этган қуйидаги сўз бирикмалари ҳосил бўлади: head of a mountain, head of a flower, head of a nail, head of chapters, head of a column, head of the bridge, foot of the page, foot of the procession, foot of a ladder, foot of a table, тоғнинг боши, бош бармоқ, ишнинг боши, булоқ боши, кўча боши, миҳнинг боши, қатор боши ва бошқалар. Бу каби сўз бирикмалари ясалишида, энди калланинг юқорида жойлашувигина эмас, бошнинг танани бошқариши ҳам категориялаштиришга замин яратади. Тананинг бош билан бошланиб, оёқ билан тугаши “бошдан-оёқ”, яъни бутунлай, бошидан охиригача каби семантик маънога эга бўлган бирикма яралишига сабаб бўлганлиги кўринади. Мисол тариқасида келтирилган ушбу сўз бирикмаларининг юзага келиши хусусиятларнинг шундай қарама-қаршилигини акс эттирувчи ментал амаллар натижасидир. Бошқа қатордаги to rule with a heavy hand, strict hand of the family, strong heads etc., қаттиққўллик билан бошқариш, ўнг қўл, оиланинг боши, гуруҳ боши ва бошқа бирикмаларнинг семантик тузилиши ҳам ментал фаолият маҳсулидир. Бу ерда қўлга хос бўлган бирор нарсани олиш, бошқариш хусусиятлари когнитив фаолиятнинг етакчи манбасига айланишини кузатамиз.

Лисоний бирликларнинг юзага келишида муҳим бўлган категориялаштириш қуйидаги гештальт тамойилларига амал қилиши шарт, деб ҳисобланади: “яқинлик, қўшничилик тамойили” – яқин масофадаги предметлар бир-бирига боғлиқ ҳолда идрок қилинади; “ўхшашлик тамойили” – бир-бирига ўхшаш алоҳида элементлар яхлит бир бўлак сифатида идрок этилади; “давомийлик, узлуксизлик тамойили” – алоҳида элементлар ўртасидаги узилишлар қисқа бўлганида ҳам улар яхлитлик кўринишида идрок қилинади. Бу кўринишдаги тамойиллар, сўзсиз, сўз бирикмалари воситасида ифодаланадиган яхлит концептларнинг ҳосил бўлишида ҳам намоён бўлади. Масалан, cat сўзи бош бўлак ҳисобланадиган кўплаб бирикмаларда ушбу категориянинг қатор хусусиятлари ўз аксини топади. Дастлабки ўринда объектнинг номланишида мушукнинг йиртқичлик хусусияти инобатга олинади. Масалан, инглиз тилидаги a cool cat бирикмасида шу тарздаги категориялаштирув амали кузатилади. Кейинги навбатда эса, ушбу ҳайвоннинг айёрлик, мағрурлик хислатлари назарда

тутилади: a fat cat. Ниҳоят, мушукнинг кичик уй ҳайвонлари турига кириши ҳам назардан четда қолмайди: not have a cat in hell's chance. Бу каби мисони ўзбек тилида ҳам учратамиз, худди соматик объектлар каби, ҳайвонларнинг номлари категориялаштириш объекти сифатида қўлланилишида ҳам ўзбек ва инглиз тилларида ўхшашлик кузатилди: мушукдек суйкалиб, мушукдек беозор, сариқ пишак (мушук), ўғри мушук, сувга тушган мушукдек, мушукдек хурпайиб ва ҳоказолар.

Худди шу каби яна бир уй ҳайвони – ит ҳақидаги тасаввурлар салбий баҳо концептларининг шаклланишида категориал асос хизматини ўтайди. Жумладан, уларнинг баъзиларида бирор шахснинг нолайиқ хатти-ҳаракатлари категориялаштирилса (a dog in the manger), кейингиларида шахснинг бирор бир муаммо билан машғуллик шароити ўз аксини топади (like a dog with a bone), яна бошқаларида эса қилинган ишнинг ёмон натижаси (a dog's breakfast (dinner)) ёки мавжуд шароитдан норозилик рамзлари ифодаланади (a dog's life). Ушбу сунъий бирликларнинг барчасида ифодаланаётган мазмуни инсон ва ит хатти-ҳаракатларини қиёслаш амаллари заминиди шаклланади. Ўзбек тилида: итдек аккиллаб, итдек хуриб, ит вафо, итнинг кейинги оёғи, итдек талади, ит теккан, итдек содиқ, итнинг олдига суяк ташлагандек ва ҳоказо бирикмалар қиёслаш натижасида ҳосил бўлганлигини кўрамиз.

Юқорида келтирилган бирикмалар таҳлилидан кўринадик, таснифловчи маънолар тафаккурнинг конкретликдан мавҳумликка қараб йўналиши натижасидир. Ушбу кўринишдаги тафаккур фаолиятининг мақсади предметнинг бирор бир хусусиятини номлаш эмас, балки инсонларнинг маълум шароитдаги хатти-ҳаракатини ифодалаш, тавсифлашдир. Лекин бу йўсиндаги категориялаштириш ҳолатларида ҳам қиёслаш амали маълум даражада намоён бўлади.

Категориялаштириш фаолиятининг кечишида кузатиладиган яна бир амал – объектни унинг хусусиятини маълум гуруҳдан ажратиш йўли билан бажариладиган индивидуаллаштириш амалидир. Бу амалнинг намоён бўлишида, масалан, физик ҳодисаларнинг индивидуал хусусиятлари инсонларникига муқобиллаштирилади. Жумладан, on the one hand ва on the other hand бирикмаларининг юзага келиши одамнинг қўли иккиталиги билан боғлиқ. Шу сабабли бу бирикмалар бир ҳодиса ҳақида икки хил фикр билдириляётганда қўлланилади. Бундай яхлитнинг икки қисмини ажратиб, индивидуаллаштириб идрок этишда когнитив идрок амали кучга киради. Хулоса қилиб айтганда, индивидуаллаштириш амали воситасида ҳосил бўладиган бирикмаларнинг когнитив таҳлили бу амалнинг мавҳумлаштириш ва таснифлаш амаллари қўлланиши ҳолатларидан у даражада узоқ эмаслигидан далолат беради, чунки уларнинг барчаси ягона мақсад – умумлаштириш фаолиятини воқелантириш учун хизмат қилади. Аммо умумлаштиришда, бошқа амаллардан фарқли ўлароқ, предмет-ҳодисаларнинг идроки уларнинг қиёсида, қарама-қаршилигида эмас, балки керакли хусусиятни конкретлаштириш йўли билан воқеланишини тақозо этади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. McArthur F. The Human Mind, Dominion of Change. – Booktrail Publishing, 2021. – 158 p.
2. Тер-Минасова С.Г. Словосочетание в научно-лингвистическом и дидактическом аспектах. – М.: Высшая школа, 1982. – 144 с.
3. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
4. Jackendoff R. Semantics and Cognition. – Cambridge (Mass.), 1998. – 316 p.
5. Блинникова И.В. Когнитивные карты как функциональные единицы опыта // Вестник МГЛУ. 2012. Том 7, -№640. – С. 25-38.